

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz



ЭЗГУЛИК ВА УЛУГВОРЛИК ТИМСОЛИ

ҲАР бир юртининг дунёга кўз-кўз қилишга арзийдиган тарихий обидалари, маҳабатли ёдгорликлари, ҳайратомуз замонавий иншоотлари бўлади. Миср эҳромлари, Буюк Хитой девори, Эйфел минораси, Тож Маҳал...

Албатта, бутун дунёга машҳур бундай бетакрор иншоотлар ўз салобати, гўзал ва фусункорлиги, жозибаси, мейморий очми билан дунёнинг турли бурчларидан келган сайёҳларни ўзига ром этади.


Эзгуликка, покликка лиммолим ҳамюртларимиз билан гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тутиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи томон одимлаётган бахтиёр келин-куёвлар, истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайноқ навирон йигит-қизлар, юзлардан нур ёғилиб турган отахону онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида ўйлайсиз.

Бир неча йилдан бери Тошкентда яшайман, — дейди покistonлик тadbirkор Муҳаммад Хорун Чоудри. — Туризм соҳасида ишлаганим учун, касбим тақозосига кўра, дунёнинг қирққа яқин мамлакатиди бўлганман. Аммо, ҳеч қерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг ва меҳмондўст халқни, Тошкентдек гўзал шаҳарни кўрмаганман. Бу ердаги ҳар бир иншоот шаҳарнинг чиройини очиб турибди. Мустақиллик майдониди орас-талик, сокинлик, файзу тароват ҳар доим мени ўзига мафтун этиб келган. Шу боис, бу ерга тез-тез келил турман.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбат қурманг, ана шундай самимий, дилкаш фикрларни, ҳақи эътирофини эш-тасиз. Зеро, пойтахтимиз Ўзбекистон аталмиш овоз ва обод дунёнинг бош кен-ти, маданият ва маърифатнинг қадимий бешикларидан бири, тинчлик, дўстлик, ҳамжихатлик шаҳри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Бу ерда ўтаётган турли халқро мусобақалар, кўрик-танловлар, анжуманлар Тошкент доверуғини янада оширмоқда.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда янада кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Бир қатор замонавий иншоотлар, янги йўللар ва кўприклар, бог ва хиёбонлар бунёд этилаётди.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.




Бизнинг она заминимизда ана шундай ноёб обидалар жуда кўп. Буюк аждодларимиз қолдирган бой моддий ва маънавий мерос, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос ифодаси бўлган минглаб осори атикаларимиз, асрларки, дунё ахлини ҳайратга солиб келади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қарши сингари қадимий шаҳарларимизни зиёрат қилиш учун келган ҳар бир хорижлик сайёҳ бу ҳақиқатни эътироф этмасдан қолмайди.

Бунёдкорлик — элимизнинг табиатига мос ҳислат. Хусусан, истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан қайтадан чирой очган муқаддас қадамжолар, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрқига-кўрк бағишлаб турган қанчадан-қанча замонавий иншоотлар, маъмурий ва тураржой бинолари, бог ва хиёбонлар, кўприк ва йўللар — барча-барчаси халқимизнинг фидокорона меҳнати, ғайрат ва шижоати махсулидир.

Муаззам Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга оширилаётган бетимсол ишлар, пойтахтимизнинг йил сайин ўзгариб, гўзаллашиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга чебис гурур ва ифтихор бахш этади. Айниқса, Мустақиллик майдониди бўлган ҳар бир киши истиқлолнинг том маънодаги шукҳини, юртимизнинг куч-қудратини, Ватан туйғусини теран

ҳис қилади. Кейинги йилларда олиб борилган кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари натижасида Бош майдонимиз мустақиллигимизнинг ҳақиқий тимсолига, фусункор масканга айланди. Бу ерда қад ростлаган, ўзгача кўрк тароват касб этган Олий Мажлис Сенати, Ҳукумат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони, Мотамсаро Она ҳайкали бир-бири билан ўйналшиб, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг ўтмиши, бугунги кунини, порлоқ истиқболини ўзида намойён этиб турибди!..

Мустақиллик ва эзгулик монументи халқимизнинг рўёбга чиққан асрий озру-умидлари тимсолидир. Фарзандини бағрига босиб, унга меҳр билан термиллиб турган она сиймосида бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка



МАМЛАКАТНИ, миллатни жаҳонга танитишда маънавият муҳим роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, маънавиятсиз на давлат, на халқ юксала олади. Шу боис ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Айни кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Айниқса, ёш авлод вакиллари, ўқувчилар ўртасида ташкил этилаётган тадбирлар жуда қизиқарли кечаётди. Ана шундай маърифий учрашувлардан бири Бекобод тумани ҳокимлиги биносида ўтказилди. "Маънавий меросимизнинг тикланиши" мавзусидаги ушбу тадбирда Юртбошимиз асарининг қиммати, маънавиятимизни юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида сўз борди.

Менинг назаримда мазкур китоб ёш авлоднинг маънавият, баркамол қилиб тарбиялашда зарур қўлланма вазифини ўтайди, — деди Тошкент вилояти бош имом хатиби Курбонали Турсунов.

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобини ўрганиш бўйича Бўка, Янгийўл, Зағиота туманларида ҳам бир қатор учрашув ҳамда мулоқотлар бўлиб ўтди.

Диққат, янгилик!

ЧОПИҚ ТРАКТОРИ ЭНДИ ГАЗ БИЛАН ИШЛАЙДИ

Хушxabарнинг қаноти борлиги рост гап. Бекобод туманидаги "Далвара" таъмирлаш заводи очик акциядорлик жамиятида яратилган янгилик бир зумда бутун вилоятга ёйилди. Гап шундаки, завод раҳбар ва мутахассислари чопиқ тракторларини табиий газ билан ишлашга мос-

лаштиришди. Янгилик синовдан муваффақиятли ўтиб, ҳар жиҳатдан қўлай ва фойдали эканлигини тажриба жараёнида яққол намойён этди. Шу муносабат билан биз очик акциядорлик жамияти раиси Абдухалил Восидовни суҳбатга тақлиф этдик.



— Абдухалил Ҳасанович, бундай янгиликка қўл уриш гоёси қачон тугилди ва бунга нима туртки бўлди? — Аслида техника воситаларини табиий газга ўтказиш янгилик эмас. Маълумки, энгил ва юк автомобилларининг илк бор газ билан ишлашга ўтганига ўн-беш йил бўлди.

Эсласангиз, солярка билан ишлайдиган "КамАЗ" каби юк машиналари ҳам табиий газга мослаштирилганди. Аммо, кейинчалик бу ҳаракат оусай-гандек бўлди. Шу боис солярка билан ишлайдиган қишлоқ хўжалик техникалари моторини табиий газга мослаштиришга эътибор берилмади.

— Бу янгиликка айнан сизнинг заводингизда қўл урилди, бунинг сабаби бўлса керак? — Биласиз, заводимиз қишлоқ хўжалик техникалари моторини таъмирлашга ихтисослаштирилган. Қандай ёнгиликдан фойдаланиш эса, ана шу моторларнинг русумига

боғлиқ. Демак, ўз-ўзидан равшанки, бундай ташаббус бизнинг корхонамиздан чиққанлиги табиий ҳол.

Очигини айтсам, бу фикр автомобиллар бирин-кетин газ билан ишлашга ўта бошлаган кезларда тугилган эди. Трактор — автомобиль эмас. Шу боис бу ишга анча вақт жазм этдиммай юрдик. Утган йили эса, ўзимизча ишга киришдик. Аммо, ҳар қандай янгиликнинг ўзига яраша майда-йирик муаммолари бўлади. Шу сабабли иккиланмишлар бўлди, иш чўзилди.

Шу орада вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Зиёвуддин Кўчоровни Ниёзов бизнинг сай-ҳаракатларимиздан хабар топиб, янгиликка астойдил қизиқиб қолдилар. Биз мақсадимизни, бошлаган ишларимизнинг аҳамиятини атрафлича тушутирдик. У киши ишимизни маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар, амалий ёрдам кўрсатишларини айтиб, далда бердилар. Шундан руҳланиб, чопиқ тракторлари моторини табиий газга мослаштиришга киришдик.

(Давоми 2-бетда).




ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

ЁШ АВЛОДНИ мукамал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган болаларга гамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашга кўмак бериш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун моддий ва маънавий жиҳатдан шароит яратилаётди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси ҳамда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Келажак овози" Республика танлови шундай хайрли ишларнинг биридир.

Вилоятимизда "Келажак овози" танловининг минтақавий туман, шаҳар босқичлари юқори савияда ўтказилди. Бу юксак иқтидор кўриқлари Куйичирчиқ тумани Дўстобод касб-хўнар коллежи, Бекобод шаҳрининг "Металлург" саройи, Бекобод ва Паркент туманлари маданият уйларида, Янгийўл туманидаги Гулба-



борот-коммуникация технологиялари", "Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа", "Рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар", "Бадий ижод ва публицистика", "Спорт" йўналишлари бўйича ўзаро куч синашишди.

Талабчанлик билан ўтган кўрик-танловда барча йўналишлар бўйича 39 иштирокчи голиб деб топилди. Улар танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.

Кўрик-танловда вилоят ҳокими уринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

Лобар БОБОЖОНОВА, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим мутахассиси.

СУРАТЛАРА: танлов лаҳзалари. **Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.

АНЪАНАГА САДОҚАТ

16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарида вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида бир миллион 113 минг киши юксак унум билан меҳнат қилди



Халқимизнинг юртпарварлик фазилатини намойиш қилувчи анъаналаримиз кўп. Улардан бири байрамлар ва тантанали маросимлар арафасида хонандонларни саранжом-сариятлаш, кўча ва майдонларни ораслаш мақсадида ўтказиладиган умумхалқ ҳашаридир.

Бу қадимий анъана мустақиллик йилларида янгича моҳият касб этиб, янги мазмун билан бойиб бораётди. Айниқса, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўчаларимизни ойлантириш ишлари, шу тадбирларнинг узвий қисми бўлган умумхалқ хайрия ҳашарларида кеқсаё ёш кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиши қадимий кадрларимизнинг барҳаётлигини тасдиқламоқда.

Ҳашар кунлари кўзда тутилган мақсадларга эришилди. "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазибалар амалга оширилиб, халқимизнинг юрт ободончилигини яхшилашдаги ҳамжихатлиги, муруватпешалиги, умумхалқ байрамини шод-хуррамлик билан нишонлашга бўлган азму қарори яққол намойён бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида умумхалқ ҳаракати айланган бу хайри ишда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида 3250,9 гектар майдон ободонлаштирилди. Умумий ҳисобда 4300

километрга яқин узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, 8220 тонна маший ва қурилиш чинкидилари чиқариб ташланди.

Ҳашарчилар зиёратгоҳлар ва қабристонларни ободонлаштириш тадбирларида алоҳида ғайрат кўрсатишди. Гулзорлар орасланди. Дов-дарактларга шакл берилиб, оклиниб, кўрилли тусга келтирилди.

Ҳашар кунлари ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларнинг хонадонлари таъмирланди, иситиш тизимларини қишга тайёрлашга ёрдам кўрсатилди. Ҳашарчиларнинг меҳнатлари туфайли жами 25 минг 165 квадрат метр сахнини шундай хонадонлар таъмирдан чиқарилди. 4742 та эҳтиёжманд оила 58 миллион 500 минг сўмга яқин моддий ёрдам олди.

Умумхалқ ҳашари Олмалик, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Қўрай, Оҳангарон, Чиноз, Юқоричирчиқ туманларида айниқса уюшқоқлик билан ўтди. Ободонлаштириш ва кўчаларимизни ойлантириш ишлари билан умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва самараларни ўтказишга эришишни қўллаб, шаҳар ва туманларда "Энг обод маҳалла", "Энг озода кўча", "Энг саришта уй" кўрик-танловлари ўтказилапти. "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими унинг голибларини мустақиллик байрами арафасида эълон қилишни мўлжалламоқда.

Ҳашарнинг яна бир хайри натижасини таъкидлаш жоиз. Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу маблағлар кўп болали ва кам таъминланган оила-лар, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, — Ёшлар йили" Давлат дастури вазибаларини амалга ошириш мақсадида сарфланиши кўзда тутилмоқда.



“Тасвирий ойина”

ижодий уюшмаси вилоят бўлими
ҳамюртларимизни яқинлашиб
келаятган энг улур айём –

ИСТИҚЛОЛНИНГ 17 ЙИЛЛИК тўйи билан табриклайди.

Давлатимизни қудратли,
юртимизни обод этиш
йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда
омад тилайди. Токи бизлардан
келажак авлодга озод ва
обод Ватан қолсин. Истиқлол
барчага боқий бахт олиб келсин!

Сизга ўз маҳаллангиз ҳамда ташкилот ва
муассасангизда замон талабларига мос ободонлаштириш ва
таъмирлаш ишларини амалга ошириш истаги бўлса,
бу ўлда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Вилоят бўлими
яқиндан кўмак беради. Хусусан, уюшмамиз турли плакатлар ва
ҳар хил соҳалар бўйича рекламалар, фотолар ва ҳаллар орқали
халқ орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.
Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, унинг жаҳон
андозаларига мослигини таъминлаш доимий эътиборда.
Бундан ташқари тайёрланган кўргазмалар ва бошқа
тарғибот-реклама воситаларини ўрнатиш ҳамда
ундан фойдаланиш бўйича тавсиялар беради.



Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ЕКАТЕРИНАНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

XXIX ёзи Олимпиада уйинларида мамлакатимиз вакили Екатерина Хилько...



Ў.А.



Beijing 2008

ХИТОЙ пойтахтида давом этаётган XXIX ёзи Олимпиада уйинларида байдэрка ва канозда эшак эшиш бўйича беллашувлар қизгин паллага кирди...

ВАДИМ МЕНЬКОВ - ФИНАЛДА

Иккинчи гуруҳ баҳсида қатнашган моҳир спортчимиз бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди...



Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Ў.А. муҳбири. Пекин.

УСТУНЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШОЛМАДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилди...


Мусобақа қизгин ва шиддатли дақиқаларга бой бўлди. Айниқса, пойтахтнинг "Бунёдкор" ва вилоятимизнинг "1-БЎСМ" жамоалари ўртасида кечган учрашуви муҳлислар катта қизиқиш билан томоша қилдилар...

риясини қўллашга қарор қилишди. Лекин ғалаба "Бунёдкор"га насиб этди - 10:9. Шундай қилиб, якуний натижаларга кўра биринчи ўринни "Бунёдкор" футболчилари эгаллашди...

Хуршида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мурожаатларга жавоблар

Тахририятга ҳар кун турли мазмунда кўлаб хат-хабарлар келиб туради. Айрим газетхонлар ўзлари дуч келётган муаммолар тафсилотини баён этиб, уларни ҳал қилишга ёрдам беришимизни сўрашади.



РЕКЛАМАНИНГ ЎЗ ЭГАСИ БОР

Жумладан, Бўстонлик тумани Янгиовул қишлоғи аҳолиси номидан бир гуруҳ кишилар йўллаган мактубда телевидение орқали бериладиган рекламалар хаддан зийд қўлайиб кетганидан нолишади...

ма тўғрисида"ги Қонунидан беҳабар бўлсалар керак. Ушбу қонунда, хусусан, шундай дейилади: "Теле-радиоташкилотлар учун рекламалар ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак..."

Мўжаз фельетон

ПУЛИ БЎЛСА БАС

Хикоямиз қаҳрамони Файбуллажон юлдузи бенарвон урадиган, кўзидан ўт чакнайдиغان, ақли расо, тили бурро йигит. Ҳарқалай, у менда шундай таассурот уйотган. "Бир йигитга қирк хунар ҳам оз" деган гап айнан унга атаб айтилгандек...

Йишганидек, асрга жанозага қақириб қолишди. Савобдан қолмайлик, деб чиқдик. Йишганидек, асрга жанозага қақириб қолишди. Савобдан қолмайлик, деб чиқдик. Йишганидек, асрга жанозага қақириб қолишди. Савобдан қолмайлик, деб чиқдик...

Қаерда пул бўлса, шу ерда ҳозирмиз. Мен бир нарса дейладим. Яқинда маҳаллада у ҳақда яна бир гап тарқалди. Эмишқи, ўша қарнайчи, ўша видеоочи, ўша гўрков Файбуллажон эл-юртинг тўй-ҳашамларида биб-бинойидек қўшиқ айтаётган, давраларни қизайтаётганмиш. Гуруҳнинг номи ҳам аллаломало - "Дахшат" эмиш. Ажабланишим йўқ-ку, лекин уни холи учратиб, бу ҳақда сураганимда, хув ҳақига беларво илжайишини юзига тақиб пичирлади: - Нимасини айтасиз, ака? Ҳозир ҳамма пул қўшиқчида экан...

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот-ресурс марказида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган китоблар кўرғазмаси ташкил этилди.

КИТОБЛАР КЎРҒАЗМАСИ

"Мустақиллик - бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир" мавзюда ўтказилган мазкур китоблар кўрғазмасидан кўзланган мақсад зив масканининг асосий ўқувчилари - ёш авлодни истиқлолнинг асл мазмун-моҳияти, ўтган йилларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, мустақилликнинг соадатли нёъматлари, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу ерда давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг 1 май куни имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbirlar Дастури тўғрисида"ги фармони доирасида баҳарлаётган ишлар ақ эътирилган фотосуратлар, янги рисоалар, китоблар билан танишиш мумкин.

Шундан кейин

ЭҲРОМЛАР ТАЪМИРЛАНАДИ

РАТА-ТАСС муҳбирининг хабар беришича, Миср ҳукумати қадимий эҳромлар жойлашган Гиза шаҳрини модернизация қилиш ниятида. Маълумотларга қараганда, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ўттиз миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлашиши кўтилмоқда.

БУ УЗУМНИ ЕМАБСИЗ...

ЯПОНИЯНИНГ Исекава префектурасида ўтказилган кишлоқ хўжалиги кимшоиди савдосида бир бош узум рекорд кўрсаткичи - 910 АҚШ долларига сотилди. "Рим ёқути" узумнинг энг қамбў навларидан бири бўлиб, унинг ҳар бири донаси ўрикдек келлади.

ЯПОНЛАР ҚАРИМОҚДА

КЕКСА ёшдаги аҳоли сонининг кўпчилиги бўйича дунёдаги ўттиз етти мамлакат орасида биринчи ўринни Япония эгаллади. Маълумотларга кўра, мамлакатдаги қариялар ўттиз миллионга етади. Қучиқар мамлакатда айна вақтда ёши 65 дан юқори бўлганлар аҳолининг 20,1 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич Италияда 19,7 ва Германияда 18,8 фоизга тенг.

ҲОЗИРЧА ИМКОН ЙЎҚ ЭКАН

Тахририятга мурожаат қилган Р. исмли аёл (маълум истиқола билан исми-шарифи тўлиқ берилмапти) мактубида шундай сатрлар бор: "Мен газетангизнинг 2 шай сонидо чоп этилган "Безонанинг кўлида қолган гўдак" сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ҳақон билан ўқиб чиқдим. Чунки, мен ҳам бағрайманман. Мақола баҳона турмуш ўртоғим билан бола боқиб олиш ҳуқуқида келишиб, Янгийўл шаҳридаги "Кичкинтойлар уйи"га бордик. Ҳамма ҳожджатарни расмийлаштириб бораганимизга қарамай, муассаса раҳбарлари "Болаларимизнинг ҳақини қасас" дея жавоб беришди. Энди бор умидимиз сизлардан, илтимос, ёрдам бериңлар".

Ушбу масала юзасидан вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси Ю. Умрхолова-нинг изох беришича, вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва республика Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда ушбу Низомга Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида белгирилган тартибда амалга оширилади. Бунда ҳужжатлар тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганидан ташқари яна бир қанча талаб ва шартлар ҳам назарда тутилган. Шулардан бири боқиб олинган боланинг соғлиғи масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси "Оила Кодекси"нинг IV бўлим 15-моддасида шундай дейилади: а) фарзандликка олинувчининг соғлиғи: соғлом болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар боланинг соғлиғи тўғрисида фарзандликка олувчини хабардор қилиш шарти билан фарзандликка берилиши мумкин. Демак, болалар муассасасида фарзандликка бериш мумкин бўлган соғлом болалар йўқлигида (Янгийўл шаҳридаги "Кичкинтойлар уйи" директори Тоҳира Исмоилованинг таъкидлашича, ҳозир айнан шундай вазият) амалдаги қонунчиликка мувофиқ ота-оналар жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонлари бўлган болани ўз розиликлари билан фарзандликка олишлари мумкин.

Утерьянную ГУВОНОМА ТА № 05242363097-29 от 25.04.2008г. выданный на имя Убайдуллаева Зиедуллы Хабибуллаевича, зарегистрированный в Мирабадском районе по адресу: ул. Чехова, дом 40, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

СКАНВОРД crossword puzzle grid with clues in Uzbek and Russian.

Рассом хандаси



Яқинда дабдабали тўй қилган Мақтанбойга нима бўлди, оқсоқол? Олган қарзларини эгалари сўраб келётган эмиш. Абдураул ҲАКИМОВ чизган расм.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда. Муассис: ТОШKENT ВИЛОЯТИ ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Телефонлар: 236-55-54. Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун режа ва эълон берувчилар масъулдир.